

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.06.2020.TIB.I16.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОЛОВА НОДИРА ФАЗЛИДДИНОВНА

**ҚИЗЛАР ВА ЭРТА РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА
РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМ БУЗИЛИШЛАРИ ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Холова Нодира Фазлиддиновна

Қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив тизим
бузилишлари истикболини белгилаш ва профилактикаси 3

Холова Нодира Фазлиддиновна

Прогнозирование и профилактика нарушений репродуктивной функции у
девушек и женщин раннего репродуктивного возраста 27

Kholova Nodira Fazliddinovna

Prediction and prevention of reproductive disorders in girls and women of early
reproductive age 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work..... 54

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.06.2020.ТІВ.І16.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОЛОВА НОДИРА ФАЗЛИДДИНОВНА

**ҚИЗЛАР ВА ЭРТА РЕПРОДУКТИВ ЁШДАГИ АЁЛЛАРДА
РЕПРОДУКТИВ ТИЗИМ БУЗИЛИШЛАРИ ИСТИҚБОЛИНИ
БЕЛГИЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2021.3.PhD/Tib.2058 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.kkmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туксанова Дилбар Исматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

тиббиёт фанлари доктори, профессор

тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Қорақалпоғистон тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.06.2020.Tib.I16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230105 Нукус шаҳри, А. Досназаров кўчаси 106 уй. Тел./факс: (99861) 222-84-32/ 222-84-36, Веб-сайт, www.kkmi.uz).

Диссертация билан Қорақалпоғистон тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 230105 Нукус шаҳри, А. Досназаров кўчаси 106 уй. Тел./факс: (99861) 222-84-32/ 222-84-36)

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ кунни тарқатилган.

(2023 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

О.А.Аганизова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.К.Жиемуратова

Илмий даражалар берувчи берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

М.К.Курбаназаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, PhD

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда акушерлик соҳаси қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёллар орасида турли хил касалликларни кўпайиб бориши тиббий муаммо билан бир қаторда ижтимоий муаммога ҳам айланиб бормоқда, жумладан, қизлар орасида репродуктив тизимнинг асоратланиш ҳолатлари замонавий акушерлик амалиётининг энг мураккаб ва оғир асоратларидан бири ҳисобланиб, унинг оқибатида юзага келадиган асоратлар, уларнинг ҳаёт сифатини пасайиши бугунги кунда замонавий акушерликнинг ўрганилиши керак бўлган муҳим омилларидан бири бўлиб келмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...аҳоли орасида Африка давлатларида қизлар орасида репродуктив тизим бузилишлари учраши 60% гача, Осиё давлатларида 30% гача, Россиянинг турли минтақаларида 5 % дан 15 % гача, Ўзбекистонда 25% ни ташкил этмоқда...»¹. Самарали, патогенетик жиҳатдан асосланган башоратлаш, ташхислаш ва даволаш усуллари, хусусан, «...гормонал, биокимёвий ва липид тизими маркёрлари параметрларининг ўзгариши фонида репродуктив тизим бузилишларнинг хусусиятларини аниқлаш ва эрта ташхислашда, уларнинг аҳамиятини баҳолаш...»² қатор олимларнинг ишларида қайд этилган. Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда жаҳон миқёсида қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёллар, репродуктив тизим бузилишларини эрта ташхислаш ва даволашни самарали ташкил қилиш юзасидан амалий тиббиёт соҳасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон миқёсида репродуктив тизим бузилишларини ташхислашда гормонал, липид, биокимёвий, микроэлемент ва қоннинг оптик зичлигининг роли, қизлар ва репродуктив ёшдаги аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўсмир қизларнинг репродуктив функциясини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатадиган преморбид омилларни аниқлаш; репродуктив функцияни шакллантиришга таъсир қилувчи гормонал ва метаболик ҳолат бузилишларининг дастлабки белгиларини баҳолаш; қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёллар орасида ногиронлик ҳамда ўлим ҳолатларини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, репродуктив тизим бузилишларининг олдини олиш тартибини амалиётга тадбиқ қилиш, чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини илғор жаҳон андозалари асосида ташкил қилиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек аҳоли орасида учрайдиган гинекологик касалликларни эрта

¹Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботлари. 2022 йил.

² Perkins, R.B., Hall J.E., Martin K.A. Aetiology, previous menstrual function and patterns of neuron-endocrine disturbance as prognostic indicators in hypothalamic amenorrhea // Hum. Reprod. - 2021. - Vol. 16, № 10. - P. 2198-2205.

ташхислаш, кечишини башорат қилиш, келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлашга қаратилган қатор ислохотлар ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда қизлар ва аёлларга тиббий – ижтимоий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, қизларнинг ҳаёт сифатини ошириш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сонли «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёллар орасида репродуктив тизим бузилишларини эрта ташхислаш, ва даволаш муаммолари маҳаллий ва хорижий олимларнинг ишларида ҳам ўз аксини топган: Ижтимоий-иқтисодий, биологик, экологик, тиббий, ташкилий ва бошқа омиллар, ўсмир қизлар ва репродуктив ёшдаги аёлларнинг репродуктив тизимга таъсир қилади ва уларнинг репродуктив саломатлигини баҳолайди (Symphorosa, S.C., 2018, Comim F.V., William, W.K., 2021). Бугунги кунга қадар йод танқислигининг ўсмир қизлар саломатлигига салбий таъсири исботланган. Ўсиб бораётган организмнинг танасида микроэлементларнинг етишмаслиги репродуктив ва соматик саломатликдаги турли патологиялар ва бузилишларга олиб келиши мумкин (Панкив В.И., Цысарь Ю.В., 2018, Артеменко В.Е., 2021).

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" ги *Фармони*.

Сўнги ўн йилликларда бутун дунёда гинекологик муаммоларга олиб келадиган метаболик касалликларнинг тарқалиши ортиб бориши натижасида, ўсмир қизларда, метаболик синдромнинг ривожланиши гормонал фон ва липид алмашинувига таъсир қилиб, патологик ҳолатлар, жумладан, семириш, гипергликемия, гипертензияга олиб келади (Аполихин О. И., Муравьева В. Н., 2019; Артеменко В., Настродана Н., 2021;). Ўсмир қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларнинг гипоталамус-гипофиз-тухумдон тизими қатъий синхронлаштирилган ва юқори даражада тартибга солинадиган тармоқ бўлиб, бу тизимнинг бузилиши натижасида репродуктив қобилият бузилади ва ҳар хил метаболик ўзгаришларга олиб келади, мия ва жинсий хужайралар ривожланишига таъсир қилувчи эпигенетик омиллар орқали келажак авлодларга таъсир қилади (Harris-Glocker M., Davidson K., 2020; Gibson-Helm M., Teede H., 2021).

Мамлакатимиздаги тадқиқотлар натижасида, қалқонсимон без тизимининг фаолиятининг бузилиши бир қатор патологик ҳолатлар ва касалликларга олиб келади: туғиш қобилиятининг пасайишига, ўлик туғилиш, ҳомила ва янги туғилган чақалоқнинг ривожланишидаги туғма аномалиялар, перинатал ўлимнинг кўпайишига, гипотериоз, болалар ва ўсмирларнинг ақлий ва жисмоний ривожланишининг кечикиши сабаб бўлади (Дусчанова З., 2018, Бекбаулиева Г.Н., 2022, Саттаралиева Х., 2023). Замонавий тадқиқотлар натижаларига кўра, Ўсмир қизлар орасида тухумдон поликистоз синдроми билан асоратланган қизларда лютеинловчи гормон тезлигининг ошиши, ЛГ гормонининг пулс амплитудаси ва ЛГ/ФСГ нисбатининг ошиши кузатилади. Тухумдон поликистози синдромининг дастлабки белгилари балоғатга етишишнинг дастлабки йилларида пайдо бўлади, бу гипоталамус ГнРГ пулс генераторининг қайта фаоллашиши, гонадотропин секрециясининг кўпайиши ва кейинчалик тухумдонларда эстроген ишлаб чиқаришнинг ошиши билан бирга келади (Муминова Н.Х., 2022; Зохидова К.Ш., 2023).

Республикамизда олиб борилаётган устувор сиёсатлар натижаси ўлароқ ёш олимларнинг тадқиқотларида қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигига эътибор қаратилиб, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор масаласи тиббий ва ижтимоий жиҳатдан таҳлил этилган. Маълумотларга кўра Бухоро вилояти ҳудудида репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив тизим бузилишлари учраши ҳамда унинг самарали ва иқтисодий қулай ташхислаш усуллари ўрганилмаганлиги аниқланган ва ушбу йўналишда тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида (01.2023 PhD181) “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳоли саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ўсмир қизларда репродуктив тизим бузилишларини башорат қилиш ва олдини олишнинг оптимал технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ўсмир қизларнинг репродуктив функцияси шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган преморбид омилларни аниқлаш;

қон зардобининг оптик зичлиги ва унинг ўсмир қизлардаги метаболик касалликларни башорат қилишдаги ролини баҳолаш;

репродуктив функцияни шакллантиришга таъсир қилувчи гормонал ва метаболик ҳолат бузилишларининг дастлабки белгиларини аниқлаш;

ўсмир қизларда репродуктив дисфункцияни кўрсатадиган, прогноз қилинган белгилар ва уларнинг параметрлари асосида даволаш ва дифференциал терапия учун оптимал алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. Мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда 2019-2022 йилларда скрининг текширувлари ўтказилган 150 нафар ўсмир қизлар ташкил этиб, улардан 30 нафари назорат гуруҳидаги соғлом ўсмир қизлар ва 120 нафари репродуктив тизимида бузилишлар кузатилган қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёллар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети. Қоннинг оптик зичлиги, липид тизими ва гормонал фонни ўрганиш мақсадида текширилаётган беморларнинг қон намуналари ўрганилди. Функционал усуллардан бачадон ва тухумдонлар ўлчами УТТ текшируви бажарилган.

Тадқиқот усуллари. Умумклиник, инструментал, ультратовуш, биокимёвий, гормонал ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

репродуктив тизим бузилишларини ўзига хос ривожланишини аниқлашда гормонал фоннинг хусусиятларини тавсифловчи (ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестерон, антимюллер гормон, тестостерон), зичлиги паст липопротеинларни миқдорининг ошиши ва микроэлементларнинг камайиши орқали намоён бўладиган клиник белгилар ва қон зардобининг оптик зичлигининг лаборатор кўрсаткичлари аниқланган;

ўсмир қизларда ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив тизим дисфункциясини башорат қилувчи гормонал ҳолат (ФСГ ва ЛГ, АМГ гормонларининг пасайиши, эстрадиол, тестостерон гормонларининг ошиши) бузилишининг патогенетик омиллари ва липид спектрининг прогноз қилишдаги роли ўрганилган;

репродуктив функцияни шакллантиришдаги бузилишларни башорат қилиш учун ўсмир қизлардаги метаболик ва гормонал бузилишлар хусусиятларининг ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

ўсмир қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларнинг репродуктив тизим бузилишларининг олдини олиш учун клиник лаборатор ва функционал тадқиқот усулларидан фойдаланиш самарадорлиги, қон зардобининг оптик зичлиги, липид спектри, микроэлементларнинг ҳолати баҳолашиб, даволашни

такомиллаштириш бўйича оптимал чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўсмир қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив тизим бузилишларини ўз вақтида олдини олиш мақсадида, репродуктив тизим бузилишларини башорат қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар, лаборатор, ультратовуш текширув стандарти ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилган;

қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларда гормонал маркёрлар (ФСГ, ЛГ, эстрадиол, прогестерон, АМГ, тестостерон) билан липид спектри, қон зардобининг оптик зичлиги ўртасида муҳим боғлиқлик борлиги исботланиб, услубий тасиялар ишлаб чиқилган;

репродуктив функцияни шакллантиришдаги бузилишларни башорат қилиш учун ўсмир қизлардаги метаболик ва гормонал бузилишлар хусусиятларининг ўртасидаги боғлиқлик илмий асослаб кўрсатиб берилган;

ўсмир қизларда ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив тизим дисфункциясини башорат қилувчи гормонал ҳолат (ФСГ ва ЛГ, АМГ гормонларининг пасайиши, эстрадиол, тестостерон гормонларининг ошиши) бузилишининг патогенетик омиллари ва липид спектри прогноз қилишнинг эрта омили эканлиги таклиф қилинган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Натижаларнинг ишончлилиги назарий ёндашув ва замонавий усулларга асосланган бўлиб, тадқиқотда қўлланилган биокимёвий маркёрлар, липид спектри, микроэлементлар, ультратовуш текшируви натижалари, бир-бирини тўлдирувчи клиник тадқиқотлар, етарли миқдордаги беморлар, лаборатор, функционал, гормонал усуллар, халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан тадқиқот натижаларининг таққосланганлиги, олинган натижалар юзасидан ваколатли ташкилотларнинг хулосалари олинганлиги ва улар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий, аҳамияти шундаки, қизлар ва эрта ёшдаги аёлларда анамнестик, биокимёвий кўрсаткичларни аниқлаш натижасида гормонал фон ва липид спектри, микроэлементлар кўрсаткичлари, репродуктив тизими бузилишларнинг ривожланишида ҳиссаси борлиги ва репродуктив тизим бузилишларини эрта ташхислаш ва прогнозлаш, шунингдек комплекс даво чораларини ишлаб чиқишда ва аёллар организмни ўрганишга доир акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшади. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган илмий хулосалар репродуктив тизимида бузилиш бўлган аёлларда биокимёвий ҳолати ва уни комплекс даво чораларини амалга оширишда, шунингдек, репродуктив тизим бузилишларининг хавfli омилларини эрта

ташхислаш, биокимёвий маркёрлар аниқланган эрта репродуктив ёшдаги аёлларда гормонал фонини текширувдан ўтказиш, ҳайз кўриш функциясининг шаклланиши, гинекологик ва соматик касалликларнинг ривожланиши хавфи контингентлари аниқланганда, такомиллаштирилган алгоритм бўйича даво чораларини олиб бориш, даволаш самарадорлигини оширади ва ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларда репродуктив тизим бузилишлари истиқболни белгилаш ва профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Эрта репродуктив даврдаги аёлларда репродуктив функциянинг бузилишини олдини олиш чораларини такомиллаштириш усуллари” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 5 октябрдаги 8н-р/1070-сон маълумотномаси). Натижада қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларнинг репродуктив тизим бузилишларини эрта ташхислаш, клиник кечишини аниқлаш, лаборатор ташхислашнинг оптимал вариантларини яратишга хизмат қилган;

тадқиқот давомида ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро шаҳар ва Вобкент тумани тиббиёт бирлашмалари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7 октябрдаги 8н-з/529-сон ҳамда хулоси). Амалиётга татбиқ этилган натижалар қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларнинг репродуктив тизим бузилишларини, даволаш ва ташхислаш сифатини яхшилаш, касалликнинг асоратлари частотаси ҳамда аёллар ўлимини қисқартиш, даволаш харажатларини камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 113 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсмир қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларнинг репродуктив функцияси бузилишини олдини олишнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, адабиётлар шарҳида эрта репродуктив ёшдаги аёлларда хавф омиллари ва уларнинг репродуктив функцияни шакллантиришга салбий таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган. Эрта репродуктив ёшдаги қизларда репродуктив саломатлик бузилишларини башорат қилиш ва эрта ташхислашнинг замонавий технологияси, метаболик ва гормонал бузилишларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг қизларнинг репродуктив саломатлигини шакллантиришдаги роли сифатидаги таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган асосий текширув материал ва усуллари баён этилган. Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2-сон акушерлик ва гинекология кафедраси, вилоят репродуктив саломатлик маркази ва вилоят перинаталь марказида 2019–2022 йилларда амалга оширилди. Бухоро вилояти репродуктив саломатлик марказига мурожаат қилган 150 нафар ўсмир қизлар ташкил этиб, улардан 30 нафари назорат гуруҳидаги соғлом ўсмир қизлар ва 120 нафари репродуктив тизимида бузилишлар кузатилган қизлар ва эрта репродуктив ёшдаги аёллар ташкил қилади. Қўйилган мақсад ва вазифаларга мос равишда қуйидагича тадқиқот дастури ишлаб чиқилди: клиник-статистик таҳлил; биокимёвий текширув усуллари (ФСГ, ЛГ, прогестерон, эстроген, эсрадиол, тестостерон, АМГ); липид спектри ўзгаришларни аниқлаш; микроэлемент кўрсаткичларини аниқлаш. Қон зардобининг оптик зичлиги радиал чизиклари ўрганилди.

Тадқиқотга жалб қилинган 1-гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши $17 \pm 0,6$ ёш, 2-гуруҳда $17,9 \pm 0,7$ ёш ва 3-гуруҳда $18,0 \pm 0,75$ ёшни ташкил этди.

Беморларнинг ўрганилаётган гуруҳларини анамнез ва клиник текширувдан олинган маълумотларга кўра, қуйидаги патологиялар аниқланди. Қуйидаги 1- жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, умуман олганда, 2^А-гуруҳда 2^Б-гуруҳ ва назорат гуруҳларига нисбатан эндокринопатия ва гинекологик касалликлар кўрсаткичлари устунлик қилди. Эндокринопатиялар орасида гипотироидизм ва 1-даражали тугунли бўқоқ, гинекологик нуқтаи назардан кичик чанок аъзоларининг яллиғланиш касалликлари кўпроқ тарқалган. Асосий касалликнинг кечиши ва прогнози касалликнинг

натижасига таъсир қилиши мумкин бўлган кўплаб омилларга, шу жумладан ушбу касалликни даволашнинг муваффақиятига боғлиқ.

1-жадвал

Соматик ва гинекологик патологиянинг қиёсий жиҳатдан тузилиши

Нозология	2-А- гуруҳ, n=91		2-Б- гуруҳ, n=29		Назорат гуруҳи n=30		P
	abs	%	Abs	%	Abs	%	
Эндокринопатия							
Гипотиреоз	26	28,5	6	20,6	1	3,33	$p \geq 0,05$
Тугунли бўқоқ 1 дар.	8	8,7	6	20,6	5	16,6	$p \geq 0,05$
Тугунли бўқоқ 2 дар.	3	3,2	3	10,3	2	6,66	$p \geq 0,05$
Тугунли бўқоқ 3 дар.	1	1,09	1	3,4	1	3,33	$p \geq 0,05$
Гинеколог касалликлар							
Дермоид киста	5	5,5	2	6,8	-	-	$p \geq 0,05$
Фолликуляр киста	18	19,7	6	20,6	-	-	$p \geq 0,05$
Гематокольпос	1	1,09	-	-	-	-	$p \geq 0,05$
Бачадон аплазия	1	1,09	-	-	-	-	$p \geq 0,05$
Тухумдон аплазия	1	1,09	-	-	-	-	$p \geq 0,05$
Бартолинит	1	1,09	-	-	-	-	$p \geq 0,05$
ЖАЯК (кичик чаноқ жинсий аъзоларининг яллиғланиш касалликлари)	31	34,0	9	31,03	-	-	$p \geq 0,05$
Бачадон миомаси	-	-	5	17,2	-	-	$p \geq 0,05$
Эндометриоз	9	9,8	5	17,2	-	-	$p \geq 0,05$
Генитал инфантилизм	21	23,0	2	6,8	-	-	$p \geq 0,05$
ТПКС	26	28,5	5	17,2	-	-	$p \geq 0,05$

Ушбу омиллардан бири беморларда бирга келадиган касалликларнинг мавжудлиги бўлиб, уларнинг ташхиси катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан биз текширган 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган аёлларда бирга келадиган соматик касалликларни аниқладик. (1-расм).

Аниқланишича, текширилган қизларда турли даражадаги анемия кўпинча (72,7%), артериал гипотензия (15,3% n=23), юрак-қон томир касалликлари (19,3, n=29) каби нозологик бирликлар борлиги аниқланди. неврологик касалликлар (4%, n=6) учради. Текширилаётган беморларда соматик касалликлар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни умумлаштирганда, биз қуйидагиларни аниқладик: назорат гуруҳида соматик

касалликлар 29,9% ҳолларда, 2-гурухда - 54,9%, бу деярли 1,9 кўпроқ, назорат гуруҳидаги қизларга қараганда.



1-расм. Текширилган аёлларда ҳамроҳ касалликлар аниқланган, % нисбатда

Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди, олинган ўлчовларнинг статистик қиймати экссесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни ўрганилиб, хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. $P < 0,05$ ишончлилик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Ўсмир қизларнинг репродуктив саломатлиги ҳақида замонавий тушунчалар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари**» деб номланган учинчи бобида, тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг ҳайз кўриш функцияси, клиник хусусиятларининг анамнестик маълумотлари ва биокимёвий лаборатор усуллар ёрдамида текшириш натижалари берилган.

Баъзи лаборатория кўрсаткичлари ёшга қараб ўзгаришини ҳисобга олиб, гормонал ҳолатни батафсилроқ ва чуқурроқ ўрганиш учун асосий гуруҳни 2 (А ва Б) га ажратдик. Улардан 13-16 ёшли қизлар - 91 нафарни, 17 ёшдан 20 ёшгача бўлган қизлар эса- 29 нафарни ташкил қилди. Биз текшираётган гуруҳларимизда текширув вақтида иккала тадқиқот гуруҳидаги беморларнинг ҳеч бири жинсий алоқада бўлмаган ва тадқиқот вақтида турмушга чиқмаган. *Vitae et morbi* анамнезини ўрганаётганда, асосий гуруҳдаги беморлар назорат гуруҳидаги соғлом аёллар билан солиштирганда, ҳайз даврининг табиати бўйича статистик жиҳатдан сезиларли даражада фарқ қилишлари аниқланди, чунки биз ўрганган беморларнинг 89 (74,2%). Норегуляр ҳайз цикли, шунингдек аменорея 7 (5,83%). Асосий гуруҳда 50 (41,6%) олигоопсоменорея ҳолатлари кўрсатилган бўлса, соғлом аёлларда 30 та аёлнинг ҳаммаси меъёрида бўлиб, нормопоник турига кўра - 23 (76,6%), постпоник - 2 (6,66), антепоник - 5 (16,6), ойма-ой бўлган (1-жадвал).

Қиёсий жиҳатдан икки гуруҳда: ҳайз кўриш 11-12 ёшда 17 (14,1%) ва 18 (60%) аёлларда, 13-14 ёшда 31 (25,8%) ва 12 (40%) аёлларда, кейин 15 ёшда (45,8%) ва аменорея ҳолатлари фақат цикли бузилиши бўлган аёлларда

(27,5%)ни ташкил қилди. Юқоридаги маълумотларга асосланиб, шуни таъкидлаш керакки, асосий гуруҳда, эрта репродуктив ёшдаги аёллар ва ўсмирларда дастлаб кўп ҳолларда ҳайз циклининг бузилиши, циклик характерга эга бўлиб, улар гиперполименорея билан опсолигоменорея билан алмашадилар. Асосий гуруҳда ҳайз даврининг бузилишининг табиати бири-бирдан фарқ қилди ва бу бузилишлар умуман олганда 74,2% ни ташкил этди. Туғиш ёшидаги 30 нафар аёлдан иборат назорат гуруҳида ҳайз кўришининг бирорта ҳам бузилиши аниқланмади, қуйидаги 2-жадвалда кўрсатилган алгоменорея1 (3,3%) нафар аёл бундан мустасно.

2-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳлардаги беморларнинг ҳайз кўриш функциясининг қиёсий анамнестик маълумотлари, n=150


Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ, n=120		Назорат гуруҳи, n=30	
	Абс	%	Абс	%
Циклик	31	25,8	30	100
Ациклик	89	74,2	-	
Аменорея	7	5,83	-	
Опсоменорея	11	9,1		
Олигоменорея	39	32,5		
Гиперполименорея	39	32,5		
11-12 ёш	17	14,2	18	60
13-14 ёш	31	25,8	12	40
15 ёшдан сўнг	55	45,8		
Альгодисменорея	33	27,5	1	3,3

Тухумдонлар поликистози синдромида гирсутизм каби вирилизация белгилари бизнинг барча ТПКС бор беморларимизда бу ҳолат патологик ҳолат ҳисобланади. Гирсутизм даражасини баҳолаш учун биз Ферриман Галлвейнинг (D. Ferriman) энг мақбул визуал шкаласидан фойдаландик - 28 (23,3%), ўсмир қизларда - 23 (19,2%), кечки ёшда кўпроқ- 5 (4,2%)ни ташкил қилди.

1-даражали гирсутизм 31 та ТПКС -11 (35,4%) билан қайд этилган, ўртача балл ўртача 13,2 баллни ташкил этган ва сочлар қўллар, оёқлар, қорин ва ички соннинг оқ чизиғида, қорин оқ чизиқ бироз тукли эди.

2-даражали - 15 (48,3%), Ферриманнинг ўртача балли -19,9, бу 16-25 оралиғида ўзгариб туради, бу ерда қўл ва оёқларда сочлардан ташқари ва билакда, иягида, пастки орқа қисмида, соч ўсиши ҳам қайд этилган.

3-даражада атиги 5 нафар (16,1%) кеч ташхис қўйилган беморлар бор эди, фақат биз билан боғланганда, косметик касалликлар туфайли, қизлар тана қисмларининг кўзга кўринган жойларида - юз, ияк, мўйлов, шунингдек, акне, себорея, асосий ўзгаришлар билан қўпол туклили ва ўртача балл 31 ни ташкил этди, бу 29-33 орасида ўзгариб турди.



2-расм. Соғлом қизлар билан репродуктив тизими бузилиши беморларда гирсутизм нисбати

Гипертрихоз - бу андроген секретациясига боғлиқ бўлмаган тананинг ва бошнинг барча қисмларида ҳаддан ташқари соч ўсиши, шунингдек, соғлом беморларда, яъни ТПКС бўлмаган, асосий гуруҳнинг 17 (14,1%) ва 6 (20%) нафар назорат гуруҳида кузатилди, чунки бизнинг хулосаларимиз алоҳида аҳамиятга эга эмас эди (2-расм).

Репродуктив салоҳиятни бузиш хавфи остида бўлган қизларнинг гормонал ҳолати тўғрисидаги маълумотлар куйида келтирилган. Гормонал ҳолат натижаларини талқин қилишда асосий гуруҳ икки гуруҳга бўлинган ва ёшга қараб ўрганилган.

Шундай қилиб, ФСГ каби гонадотроп гормонлар А гуруҳида ўртача $1,55 \pm 0,165$ mIU/ml, Б гуруҳида $3,4$ mIU/ml оралиғида ўзгарган, бу деярли $0,1-5$ mIU/ml ва $3,2-15$ mIU/ml мақбул оралиқлар доирасида ўзгариб туради, назорат гуруҳида эса $2,9$ mIU/ml ва $7,9$ mIU/ml ташкил этади.

ЛГ кўрсаткичи, албатта, табиий равишда ФСГ даражасидан ҳам пастлиги билан фарқ қилди, у соғлом гуруҳ маълумотлари билан солиштирганда ҳам паст эди: ўсмир қизларда ЛГ $0,24$ $0,20$ mIU/ml, эрта репродуктив даврдаги аёлларда эса $1,84$ mIU/ml, ўсмир қизларда бу кўрсаткичлар куйидагича эди $-0,9$ mIU/ml ва эрта репродуктив ёшдаги аёлларда $-7,65 \pm 0,75$ mIU/ml, умуман олганда, ўсмир қизларда $0,1-6$ mIU/ml; эрта репродуктив ёшдаги аёллар $1,2-12,5$ mIU/ml тенг бўлади. ФСГ ва ЛГ нинг юқори даражалари метаболик синдроми бўлган беморларда кузатилиб, буларда семизлик турли даражада кузатилди. Шу муносабат билан, ушбу беморларда ЛГ/ФСГ нисбати асосий икки гуруҳда ҳам паст бўлган, $0,15$ ва $0,54$, соғлом беморларда эса бу нисбат $0,3$ ва $0,96$ эди. Шу билан бирга, гонадотроп гормонларнинг паст даражаси 40% да қайд этилган, чунки уларнинг барчасида дастлабки ҳайз даврининг шаклланишида бузилишлар мавжуд эди. Адабиёт маълумотларига кўра, гонадотроп гормонларнинг ғайритабиий даражада паст даражалари ривожланмаган ўсмир қизларда

бўлиши мумкин, улардан бизнинг тадқиқотларимизда 23 тасида кузатилган, аммо уларнинг барчасида ҳам ФСГ ва ЛГ даражаси унчалик паст бўлмаган.

Пролактин (ПРЛ) қийматлари меърий тебранишлар ичида $293,1 \pm 76,4$ дан $403,4 \pm 51,4$ мкМЕ/мл гача ўзгариб турди ва соғлом аёллар маълумотларидан унчалик фарқ қилмади (ПРЛ нинг стандарт қийматлари - $156,7-450,9$ мкМЕ/мл), 7 беморда юқори концентрациялар мавжуд бўлса-да, улар клиник жиҳатдан ўзини намоён қилмади. Барча беморларга тузатиш мақсадида терапевтик дозаларда каберголин буюрилди.

Қизлар ва эрта репродуктив даврдаги аёлларда эстрогеннинг фаол улуши икки асосий гуруҳда эстрадиол сезиларли даражада камайди: назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан $22,7 \pm 0,58$ пг/моль ва $65,8 \pm 0,43$ пг/моль, қизлар $-56,9$ пг/моль, ва 17-20 ёшли беморларда - $71,4 \pm 5,8$ пг/моль. Маълумки, эстрогеннинг пасайиши билан прогестерон концентрацияси кўпинча лютеин фазадаги занжир реакциясида ҳам кузатилади, бу бизнинг тадқиқотларимизда ҳам кузатилган, бу ерда ўсмир қизларда прогестерон $0,47 \pm 0,5$ пг/мл ни ташкил етган ва эрта репродуктив ёшдаги беморларида у кутилган эстроген каби биров юқори ($0,7 \pm 0,07$ пг/мл) эди. Иккала тадқиқот гуруҳидаги прогестерон миқдори тўғрисидаги маълумотлар соғлом қизларнинг прогестерон кўрсаткичлари билан солиштирганда нисбатан паст эди, бу $1,26 \pm 0,08$ пг/мл ни ташкил этди. Бу маълумотларнинг барчаси мақбул тебранишлар доирасида ўзгариб турарди: 16 ёшгача бўлган қизларда $0,07-1,7$ пг/мл, эрта репродуктив ёшдаги аёлларда $-0,1-0,8$ пг/мл оралиғида бўлди.

Умумий тестостерон ҳам ўзига хос эди, чунки 120 бемордан 28 нафарига ТПКС ташхиси қўйилган, бу Роттердам консенсусига кўра 2-фенотипга тегишли бўлган мултифолликуляр тухумдонларнинг ультратовуш текширувида тасдиқланмаган, бу ерда лаборатория томонидан тасдиқланган гиперандрогенизм ва ҳайз циклининг бузилиши мавжуд, яъни аменорея, опсо-олигоменорея ёки гиперполименорея.

Шундай қилиб, Т нинг ўртача тебранишлари нисбатан юқори $0,6 \pm 0,07$ нг/мл ва $0,92 \pm 0,11$ нг/мл назорат гуруҳи маълумотлари билан қиёсий жиҳатдан - $0,1 \pm 0,09$ нг/мл, эркин тестостерон фракцияси ҳам сезиларли даражада юқори эди - 1 ва $2,9 \pm 0,10$ нг/мл назорат гуруҳига қараганда ($0,9 \pm 0,06$ нг/мл). Бизнинг асосий гуруҳдаги беморларда ТТГ $0,71 \pm 0,09$ mIU/ml ва $1,24 \pm 0,01$ mIU/ml ни ташкил этди ва соғлом аёлларга қараганда нисбатан юқори эди, бу $1,9 \pm 0,14$ ни ташкил этди. Умуман олганда, текширилган беморларда қондаги ўсиш гормони миқдори ҳам асосий, ҳам назорат гуруҳларида нормал мос қийматлари доирасида қолди.

Биз 3 гуруҳ аёлларида липид спектрининг маълумотларини ўргандик. Бизнинг фикримизча, липидлар спектридаги ўзгаришларда жуда қизиқарли маълумотлар аниқланди: ёг алмашинувининг метаболик бузилишларини тавсифловчи умумий холестерин индекси асосий гуруҳдаги семиз беморларда нисбатан юқори $4,91 \pm 0,31$ ммоль/л, соғлом аёлларда $3,32 \pm 0,17$ ммоль/л ни ташкил қилди ва бизнинг фикримизча, асосий гуруҳга тана вазни

индекси юқори бўлган беморларнинг кўпчилиги киритилган. Бундан ташқари, бошқа асосий гуруҳда (тана вазнини ошмаган Б гуруҳдаги-43нафар беморларда) $3,45 \pm 0,46$ ммол / л сезиларли даражада юқори эмас эди.

3-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳларда липид спектрининг қиёсий маълумотлари

Кўрсаткичлар	Норматив тебранишлар	Назорат гуруҳи n =30	Асосий А-гуруҳ, семизлик билан (n=70)	Асосий Б-гуруҳ, нормал вазн билан (n=43)
Умумий холестерин	<2 ммоль/л-5,2-6,2	$3,32 \pm 0,17$	$4,91 \pm 0,31^*$	$3,45 \pm 0,46^{*\wedge}$
ЗЮЛПлардаги ХС, ммоль/л	1,03-1,55 ммоль/л	$1,55 \pm 0,31$	$1,15 \pm 0,03^*$	$1,37 \pm 0,16^{*\wedge}$
ЗПЛПлардаги ХС, ммоль/л	1,7-2,2 ммоль/л	$1,74 \pm 0,32$	$2,1 \pm 0,12^{**}$	$1,82 \pm 0,26^{*\wedge}$
Триглицеридлар	1,7-2,2 ммоль/л	$1,7 \pm 0,46$	$1,95 \pm 0,17^*$	$1,69 \pm 0,11^{*\wedge}$

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотлари билан солиштирганда фарқлар сезиларли (- $P < 0,05$), ^ - фарқлар гуруҳи -А (^ - $P < 0,05$) маълумотлари билан солиштирганда сезиларли.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, ўртача умумий холестерин қийматлари бўйича барча маълумотлар -2 ммол/л -5,2-6,2 меъёрий қийматлар доирасида ўзгарган. ЗЮЛПлардаги ХС, кўрсаткичидан фарқли ўларок, аёлларда $1,15$ ммол / л ва $1,37$ ммол/ л дан паст бўлган, соғлом ўсмир қизларда эса $1,55 \pm 0,31$ ммол / лни ташкил қилди. ЗПЛПлардаги ХС $2,1$ ммол / л дан юқори ва назорат гуруҳидаги қизларда $1,74 \pm 0,32$ ммол / лни ташкил қилди. Бизнинг тадқиқотларимизда иккала гуруҳдаги беморларда мос равишда ортикча вазн - $22,5$ ва $6,66\%$ ташкил қилди. Метаболик синдром ҳолатлари фақат асосий гуруҳдаги қизларда бўлган, улар турли хил комбинацияларда 2-3 компонентдан иборат бўлиб, 14 (11,66%) ни ташкил етган, назорат гуруҳида эса кузатилмади.

Репродуктив тизим бузилишлари кузатилган беморларда микроэлементларнинг қиёсий кўрсаткичлари ўрганилди.

Микроэлементлар таркибини солиштириш учун асосий гуруҳнинг барча 120 бемори шартли равишда 3 та кичик гуруҳга бўлинган: А гуруҳи - инфантилизм билан оғриган беморлар - 23; Б гуруҳи - Ҳар хил ўсмалар ёки ўсимтага ўхшаш неоплазмалар билан - бу бачадон миомаси (5), эндометриоз (14), дермоид киста (7), фолликуляр киста (25) ва баъзилари комбинацияланган шаклда содир бўлган ҳолатларни ўз ичига олади, масалан, фолликуляр тухумдон кисталари бўлган бачадон миомаси 3 та, эндометриал

Ўчоқли дермоид кисталар ва аденомиозлар 2 та, яллиғланиш характерли фолликуляр кисталар - жами 51 та. С кичик гуруҳи - инфантилизм ва неоплазмаларсиз, аммо мавжуд менструал цикл бузилишлари бўлган 46 бемор.

